

Бунга хам анча бўлиб колди. Москвада нашр этиладиган хафталик газеталардан бирида (биздаги “Даракчи”га ўхшаган оммабоп нашр) америкалик адабиёт агенти, аникроги, маклери Лартон Блассингеймнинг “Адабиёт — бу бизнес” деган маколасига кўзим тушиб колди. Лартон Блассингейм Американинг Бостон шаҳридаги кўзга кўринган, таникли ишбилармон тадбиркорларидан бири экан. Унинг маколаси Бостонда чикадиган ойлик “Райтер” (“Ёзувчи”) деган журналдан кўчириб олиб босилган эди.

Маколанинг рухи, асосий максуди адибларга қандай килиб кўпрок пул ундириш, бойлик орттириш йўлларини топишда йўриқлар кўрсатишдан, маслахатлар беришдан иборат. “Адабиёт, аввало, бизнеснинг бир кўриниши, — дейди у. Адабий асарни у адабий махсулот деб тушунтиради. – Адабиётда истеъдодларнинг эмас, аксинча, ишнинг кўзини билганларнинг ошиги олчи”, дея алоҳида таъкидлайди. Бу борада у ўзининг шахсий тажрибасини мисол тарикасида келтиради. У, асли, журналистика бўйича магистрлик илмий даражасига эга экан. Адабиёт агенти-маклери бўлгунга қадар газета ва журналларга кўплаб хикоялар, маколалар ёзиб турган. Шу орқали танилган.

— Адабий меҳнат, аввало, биржадаги талаб ва эҳтиёжларни синчиклаб ўрганиб боришдан, кузатиб туришдан иборат, — дейди у. — Бугун қандай асарларни кўпрок ўқишяпти; қандай мазмундаги хикоя ва эсселарга, шеър ва поэмаларга эҳтиёж катта, кўп ҳақ тўланапти? Шунга қараб ёзувчи ўзини кўрсатади, катта пул топади. Бойликнинг тагида қолиб кетади. Адиб истеъдоди, майл-иштиёкию, ижодий ниятларини мужас-самлаштириб бозорга қаратиши лозим.

Бу борада журналистикадан кўра адабиёт билан шугулланиш қулай, фойдали, — дея уқтиради у. — Битта макола ёзаман, десанг факт ва маълумотлар аниқлигини, ҳаққонийлигини текшириш, тасдиқлаш талаб қилинади. Беллетристика ёзаман десанг бу хил машаққатларга дуч келмайсан. Беллетристикани тўқиб ташлаш учун кўп билимга эга бўлиш шарт эмас. Амазонка дарёси бўйидаги турмушни кўрмаган бўлсанг ҳам бир неча соат ичида у ҳақда марокли воқеани тўқиб-бичиш оппа-осон нарса. Ортикча даҳмазага дуч келмайсан. Фақат, сенсацион — шов-шувли бир гап топсанг қифоя.

Булар — Блассингэйм қарашларининг бир қирраси. Яна у ёзувчининг шон-шухрат топишини, одамлар муҳаббатини қозонишини шунчаки оддий, тасодифий бир нарса, деб билади. Ишк-муҳаббат хангомаларими, қўйди-чикди хархашаларими, кўпчиликнинг диққат-эътиборини миҳлаб оладиган шов-шувли воқеа-ходиса топсанг бас, кўз очиб юмгунча миллионер бўлиб қоли-шинг ҳеч гап эмас. Фақат бозордан кўз-қулок бўлиб турсанг бас. Омаднинг ўзи, пул-бойлик, мартаба дейсанми, барчаси бир йўла бўй-нинг-га осилиб олган-лигини пай-қамай ҳам қоласан. Энг муҳими, матбуотда бозори чакқон гапни тутиб олсанг, қўлдан чиқармасанг бўлгани. Қарабсанки, пичогинг мой устида...

Булар адабиёт агенти-маклери Блассингэймнинг ўз шахсий тажрибасидан келиб чиқиб ёзувчиларга кўрса-таётган марҳаматли маслахатлари. Давр, жамият, ижтимоий воқеликнинг кечиш нишабига қараб адабиёт ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар, вазифалар ҳам тусланиб, ўзгариб бораркан. Шўро мафқураси адабиётни ўз дастёрига

айлантириб олганди. Адабиёт, бу — гоюлар, нуктаи назарларнинг кураш майдонидир, дея сиёсатнинг карнайчиси деб билганди. Бугунга келиб адабиёт бизнес-нинг — пул-бойлик орттиришнинг самарали шакллари-дан бири, деган карашлар хам пайдо бўлди. Албатта, америкалик адабиёт агентининг нуктаи назар-лари хамма учун бирдек тааллукли эмас. Лекин унинг таъсири сезиларли, кўримли.

Биздаги адабий хаётда хам шунга якин холатлар болалаб бораяпти. Хусусан, нафакат адиблар, умуман, аксар зиёлилар асар ёзиш, нашр килиш ва китоб савдоси билан ўзлари шугулланишга мажбур бўлмоқда. Китоб ўкиб китоб ёзадиган, ок когозни коралайдиган каламкашлар кўпайди. Хаётда хеч бир холат соф ижобий ёки турган-битгани салбий бўлмас экан. Салбий деган нарсамизда ижобий жихатлар бўлиши ва ёки, зўр-койил деб макталган нарсанинг сочидан тирногигача нохуш бўлиши мумкин экан.

Шу ўринда устоз сўз санъаткорларининг бадиий-эстетик тажрибалари беихтиёр ёдинга тушади. Хусусан, Абдулла Кодирий умр бўйи бор-йўги иккита роман (“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”), битта кисса (“Обид кетмон”) ёзибди. Ойбек эса, кун-тун захмат чекиб, уч-тўртта роман (“Кутлуг кон”, “Навоий”, “Улуг йўл”), битта кисса (“Болалик”)—ни эл-юрт ўкиши учун лозим кўрибди. Абдулла Каххордек сўз заргари насрда умр бўйи тер тўкиб, иккита роман (“Сароб”, “Кўшчинор чироклари”) билан битта киссасини (“Ўтмишдан эртактлар”) кенг омма назарига хавола килибди. Бу нарса уларнинг уддалай олмаганидан эмас, аксинча ўз ижо-дига, адабиётга, сўз маданиятига ниҳоятда масъул муно-сабатда бўлганлиги окибатидир, кутлуг самарасидир. Бугунги кунда ушбу ёруг ходисанинг тескарисини кўриб кўнглинг огрийди; дилинг ачишади. Китоб деган мукаддас тушунча йўқолиб бораяпти; у оддий товарга, бозорбоп махсулотга айланди. Туйгулар тарбиясига, кўнгиллар маърифатига хизмат киладиган эзгу сўз ўрнини пул, бойлик, шахсий манфаатдорлик эгаллади. Бозор адабиёти бозор тушунчасининг хам кенг палак ёзишига олиб келди. “Адабиёт хам аслида бизнеснинг бир тури, кўрини-шидир”, деган гап койда тусини оляпти.

Китоб расталари турли хил мавзудаги ва жанрлардаги асарлар билан лиммо-лим. Шеърий китоблару дostonлар, трилогияю тетралогия намуналари дейсизми, саргузашт-детектив ёки фантастика, мемуар адабиёти намуналарини истайсизми, барча-барчасидан бор. Мумтоз адабиётимиз, жахон классикаси, диний мерос намуналарими, хамма-сидан мухайё.

Мухтарам Юртбошимизнинг наш-риётларга берилган тўла эркинлик хакидаги фикрлари гоят аха-миятлидир: “... факат иктисодий манфаат ортидан кувиб бадиий жихатдан заиф, миллий маънавиятимиз, кадри-ятларимизга тўгри келмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл кўймаслик керак”. Ушбу дил сўзларидан англашиляптики, адабиёт бизнес эмас. Уни пул-бойлик орттириш воситасига айлантirmаслик зарур, деган миллатсеварлик мужассам-лашган. Адабиёт кишилик жамиятлари маънавиятини бойитадиган, бир-бирларига таъсир кўрсатадиган, хамкор-хамнафасликда жахон тамаддунига хизмат киладиган тенгсиз кадрийат. Шу жихатдан бадиий баркамол асар адабий махсулот эмас, бокий кадрийатдир. Истеъдод-лар жамиятнинг маънавий-ахлокий, интеллектуал савияси учун масъул шахс. Зеро, истеъдод Оллох юктирган, бандасининг кўнглига солган нур.

Истеъдодлар даражаси яратилган асарлари бадиияти билан белгиланади. Башарият тарихида барча даврлар, жамиятлар, динлар ва маданиятларга бирдек тааллуқли хақиқатлар бўлмаганидек, сўз санъатида сайланмалар, танланган ҳамда мукамал асарлар мажмуини тартиб беришда ягона мезонлар тизимини учратиш кийин. Сабаби, камёб истеъдодлар канчалик бетакрор бўлса, уларнинг жахон бадиияти тарихини безаб келаётган ноёб асарлари ҳам бир-бирини такрорламайдиган, кайта-ланмайдиган ходисалардир.

Биргина мисол. Буюк рус адиби Лев Толстой саксон икки йил умргузаронлик килди. Юз йиллик юбилейга багишланган тўксон жилдлик мукамал асарлари 1928 — 1958 йиллар мобайнида нашр этилди. Унда Лев Толстой каламига мансуб калдиргоч битикларидан тортиб жахон халклари кўнглини забт этган хикоялари, киссалари, романлари, адабий-танкидий, публицистик маколалари, кайдлари, сухбатлари, адабий ўйлари, ёзишмалари, мактублари — барча-барчаси камраб олинган. Ўзбек адабиётида Хамза Хақимзода Ниёзийнинг беш жилдлик, Ойбекнинг йигирма жилдлик мукамал асарлари мажмуи чоп этилган. Уларда сўз санъаткорларининг адабий мероси тўлалигича жамланган. Хусусан, илк шеър-ларидан бошлаб драмалари ва романларигача, адабий лав-халаридан сухбат, макола, кайдларигача бир неча вариантлари билан берилган. Улар Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти XX аср адабиёти бўлими ходимларининг кўп йиллик серзахмат тад-кикотлари самарасидир. Ойбек хаётлик чогида 50 йиллиги муносабати билан ўзи тартиб берган тўрт жилдликка шеър, поэма, роман-ларининг каймоги киритилган эди.

Демак, барча замонларда ҳам адабий асарлар учун бадиият бош мезон экан. Мутафаккир Белинскийнинг Пушкин асарлари тахсилдан сўнг айтган бир гапи бор: буюк сўз санъаткорлари асарларидаги кемтиклар ҳам ибратли. Боиси, улар қандай ёзмастикка ўргатади.

Энди, кейинги йилларда адабий хаётимизда тўрт-бешта китоби чикар-чикмас икки-уч жилдлик сайлан-маларни дўндириш русм бўлиб бораётгани хусусида. Аксарият хусусий, масъулияти чекланган нашриётлар “пул бўлса чангалда шўрва”, дегандек хўлу курук машклардан, кора-ламалардан иборат “асар”ларни муковалаш билан овора. Яна китобларнинг бадиий, илмий савиясига нашриёт жавобгар эмас, деб кайд этиб ҳам кўйишади. Кизик, галати холат. Така бўлсаям сут берсин, кабилида пул кетидан кувишдек рақобат ўнлаб наш-риётлар аъмолига айланиб колди. Китобларнинг бадиий-эстетик савиясини ноширлар ўз зиммасидан соқит килса, адабий танқидчилик кўникиб колгандек жим қараб турса, миллатнинг бадиий диди, жамиятнинг эстетик савияси учун ким жон қойитади?!

Бу хол овози махалла-сидан ташқари чикмайдиган махаллий “классик”ларнинг урчишига, болалашига олиб келмаяптими?! Ачинарлиси, босмаҳона бўёгининг хиди кетмасдан, остона хатлаб кўчага чикмасдан, ўқувчи кўлига етиб бормасдан бурун бадиий саёз, тутантириги йўқ бу хил китоблар, сайлан-маю танланмалар эскириб колмоқда. Бу хол санъатнинг тараккиёти, бадииятнинг такомилли, маънавиятнинг камо-лоти хусусида фикрлашга ундайди. Боқийликка дахлдор бадиий кадрийлар зақоси, юлдузи ёруғ китоблар салоҳияти ўйга толдиради. Тоглар емирилади, чўккилар нурайди, юлдузлар

сўнади. Ва лекин, бокий китоблар асрлар оша ёгдуларини таратиб, инсониятнинг маъна-вий-аклий, ахлокий камолотига хизмат килиб келмокда. Боиси, назаримда, хаётнинг азалий ва абадий масалалари хусусида жавоб излаш, бадий образлар табиатига сингдирилган холда ижтимоий-фалсафий, маърифий-эстетик, ахлокий йўсинда жавоб топиш санъатида, умумлашма хулосалар чиқариш маданиятида юксак бадиият белгилари аёнлашади. Ота-боболар изидан шўлтиллаб юрма, лекин улар излаган нарсани сен ҳам изла, деган хикматнинг маъноси шунда бўлса керак. Зеро, хар бир давр, кишилик жамияти янги-янги масалаларни кўндаланг кўяркан, сўз санъаткори уларнинг бадий-фалсафий ечимларини топишга бурчли, масъул. Санъат асарларининг бетакрорлиги сири ҳам шунда.

Адабиёт — дин мисоли мукаддасдир. Унинг рухони-ятларни поклашдек, маънавий-интеллектуал камолотга етаклашдек эзгу салохиятини, бекиёс кучи ва бетимсол кудратини “хою читти-гул”, дегандек аргимчок учишга — эрмакка алмаштирмаслик керак.

Истеъдод ўз меҳнатига яраша, бадий асар ўз сало-хиятига муносиб кадрланиши лозим. Йўкса, унинг куни турли хил маклер-даллоларга қолади. Бу эса, таби-ий-ки, адабий махсулот — макулатуранинг кўпайи-шига олиб келади. Бу хил чиқинди асарлар миллатнинг, жамият-нинг диди-савиясини туширади, холос. Асл адабиётга тиши ўтмайдиган савиясизликнинг урчишига олиб келади. Адабиёт — кўнгил очиш воситаси эмас. У кўнгил-ларни камол топтирадиган, туйгуларни тар-бия-лайдиган, шахс-миллат-жамиятнинг маънавий-ахлокий хаёти асосларини мустахкамлайдиган бош омилдир.

Нўъмон РАХИМЖОНОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор